

“Қуёшли маҳалла” танловини ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини жорий қилишда фаол қатнашаётган маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасида танлов (кейинги ўринларда – Танлов) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Танлов номинациялар бўйича 2023 йил 1 июндан 1 сентябрга қадар мазкур Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла фуқаролари йиғинлари (танлов иштирокчилари) миқёсида ўтказилади ва 14 та ҳудуднинг ҳар бири бўйича танловда иштирок этувчи номзодлар ўртасида ғолиблар аниқланади ва мукофотланади.

Танлов ғолиблари танлов комиссияси қарорига асосан 2023 йил сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида эълон қилинади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ташкilotчи – Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги;

танлов иштирокчиси – танловда иштирок этиш истагини билдирган маҳалла фуқаролар йиғини;

соврин – танлов номинацияларида ғолибларни тақдирлаш учун ажратилган қимматбаҳо совғалар ва дипломлар;

танлов ғолиби – танлов комиссияси томонидан номинациялардан бирида “Энг яхши” деб эътироф этилган танлов иштирокчиси;

танлов комиссияси – “Қуёшли маҳалла” танловини ташкил этиш, ўтказиш ва танлов ғолибларини аниқлаш учун тузиладиган ишчи орган.

4. Танлов комиссияси таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 мартдаги 121-Ф-сон фармойишига 1-илова билан тасдиқланган.

5. Танлов комиссияси танловни ташкил этиш ва юқори савияда ўтказиш учун масъул ҳисобланади.

6. Танлов комиссияси кўрик-танловни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан танлов комиссияси мажлисини ўтказди ва мажлис қарори расмийлаштирилади. Бунда танлов комиссияси мажлиси кун тартиби қуйидагиларни ўз ичига олади:

танловни ўтказиш доирасида масъул шахсларни белгилаш;

танловни ташкил этиш ва унинг ўтказилиши билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш манбаларини белгилаш;

танловга тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқувчи ва танлов комиссиясига тақдим этувчи ишчи гуруҳи таркибини шакллантириш;

танловнинг дастурини ва ғолибларни тақдирлаш миқдорини тасдиқлаш масалалари бўйича қарор қабул қилиш.

2-боб. Танловни ташкил этиш ва ўтказишнинг мақсадлари

7. Қуёш панелларини ўрнатиш ва ундан фойдаланишни жадаллаштириш ҳамда ушбу ишларни рағбатлантириш, муносиб тақдирлаш ҳамда бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштиришдан иборат.

8. Жамоатчилик орасида энергия ресурсларни тежаш, уй хўжаликлари бюджетини оқилона юритиш учун энергиядан самарали фойдаланишнинг муҳим таркибий қисмларидан бири сифатида талқин қилиш.

9. Аҳолининг эътиборини қайта тикланувчи энергия манбаларига қаратиш ва энергия ресурсларига нисбатан тежамкорлик маданиятини ҳамда жамоатчилик онгини шакллантириш.

3-боб. Танловда иштирок этиш шартлари

10. Танловда иштирок этиш ихтиёрийдир.

11. Иштирокчилар Энергетика вазирлигининг веб-сайтида жойлаштирилган мазкур Низом ҳамда танлов материаллари билан танишиб чиқиш.

12. Танловда иштирок этиш учун маҳалла фуқаролар йиғинидаги аҳоли хонадонларига ўрнатилган қуёш панелларининг жами қуввати 150 кВтдан кам бўлмаган бўлиши лозим.

13. Маҳалла фуқаролари йиғинларидаги хонадонларга қуёш панеллари танлов эълон қилинган кундан бошлаб, туман(шаҳар) ҳокимлигига тақдим этиш кунига қадар даврда ўрнатилган бўлиши шарт.

14. Ўрнатилган қуёш панеллари сони, қувватлари, ягона энергетика тармоғига узатилаётган энергия қуввати тўғрисидаги маълумотларни маҳалла фуқаролари йиғинлари ҳудудий электр тармоқлари корхонасига билан биргаликда ўрганилган ҳолда далолатнома расмийлаштирилган бўлиши шарт.

15. Мазкур Низом билан белгиланган танлов шартлари бўйича маълумот тақдим этмаган иштирокчи танловдан чиқиб кетади.

4-боб. Танловга ҳужжатларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш тартиби

16. Танловга ҳужжатларни тақдим этиш, тақдим этилган ҳужжатларни саралаш, ўрганиб чиқиш ва танлов комиссиясига танлов ғолибларини аниқлаш жараёнлари мазкур Низомга 1-иловада келтирилган схемада кўрсатилган босқичларда амалга оширилади.

17. Хонадон эгаси ва қуёш панелини ўрнатувчи корхона ўртасида мазкур Низом 2-иловасида келтирилган шаклдаги далолатномани маҳалла фуқаролари йиғинлари ва электр тармоқлари корхонаси иштирокида расмийлаштирилади.

18. Маҳалла фуқаролари йиғини томонидан аҳоли хонадонларига ўрнатилган қуёш панеллари бўйича расмийлаштирилган барча далолатномаларни туман (шаҳар) ҳокимликларига электрон тақдим этади.

19. Туман (шаҳар) ҳокимликлари маҳалла фуқаролари йиғинлари томонидан тақдим этилган далолатномалар ва улар бўйича рўйхат шакллантирилиб excel форматдаги файл жадвал маълумотларини туман (шаҳар) миқёсида умумлаштириб, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликларига электрон тақдим этади.

20. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликлари туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тақдим этилган маълумотларни умумлаштириб, Энергетика вазирлигининг расмий веб-сайти орқали Ишчи гуруҳига тақдим этади.

21. Ишчи гуруҳ тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, мазкур Низомнинг 3-бобида келтирилган талабларга мослиги таҳлил этади ва мос келган маҳалла фуқаролари йиғинлари ҳужжатлари ва улар бўйича умумлаштирилган таҳлилий маълумотларни Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар кесимида Танлов комиссиясига тақдим этади.

22. Танлов комиссияси ишчи гуруҳ томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларни ўрганиб чиқиб, мазкур Низомнинг 5-бобида келтирилган мезонлар асосида танлов ғолибларини аниқлайди.

5-боб. Танлов иштирокчиларини баҳолаш мезонлари

23. Танлов комиссияси томонидан танлов ғолиблари қуйидаги мезонлар асосида аниқланади.

Бунда, туман (шаҳар)да биринчилардан бўлиб танлов шартлари бўйича маҳалла фуқаролари йиғинидан ўрнатилган қуёш панелларларини ўрнатган бўлишига эътибор қаратилади:

бош соврин – қуввати – 300 кВтдан;

1-ўрин – қуввати – 250 кВтдан;

2-ўрин – қуввати – 200 кВтдан;

3-ўрин – қуввати – 150 кВтдан кам бўлмаган қуёш панелларини ўрнатган ҳамда ҳудудий электр тармоғига уланиб ишлаб турган маҳалла (қишлоқ, овул) фуқаролари йиғинлари эътироф этилади.

6-боб. Танлов ғолибларини аниқлаш ва тақдирлаш

25. Танлов белгиланган номинациялар бўйича ғолиб деб топилган иштирокчилар танлов комиссиясининг йиғилиш қарори билан тасдиқланади.

26. Танлов ғолиблари махсус диплом ва ҳомийлар ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан мукофотланади.

27. Танловларда қуйидаги номинациялар бўйича ғолиблар аниқланади:

республика бўйича бош соврин – белгиланган мезонга мувофиқ базавий ҳисоблаш миқдорининг **1 200 баробари** миқдоригача бўлган қийматдаги электромобиль;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳарларнинг ҳар бирида:

биринчи ўрин учун – белгиланган мезонга мувофиқ базавий ҳисоблаш миқдорининг **400 баробари** миқдоригача бўлган қийматдаги **10 кВт** қувватли қуёш фотоэлектр тизимини ўрнатиб бериш;

иккинчи ўрин учун – белгиланган мезонга мувофиқ базавий ҳисоблаш миқдорининг **200 баробари** миқдоригача бўлган қийматдаги **5 кВт** қувватли қуёш фотоэлектр тизимини ўрнатиб бериш;

учинчи ўрин учун – белгиланган мезонга мувофиқ базавий ҳисоблаш миқдорининг **100 баробари** миқдоригача бўлган қийматдаги **3 кВт** қувватли қуёш фотоэлектр тизимини ўрнатиб бериш.

28. Танловни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар, шу жумладан, танлов ғолибларини тақдирлаш Энергетика вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармасига (кейинги ўринларда – Жамғарма) “Қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича ягона электрон платформа”си учун ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

29. Танлов ғолиблари Энергетика вазирлигининг расмий веб-сайтида ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

30. Танловнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш мақсадида тақдимот ташкилотчилар томонидан ижтимоий тармоқларда ҳамда махсус дастурий таъминотлардан фойдаланган ҳолда жонли онлайн эфирга узатилиши мумкин.

31. Танловнинг ёпилиш тадбири тантанали равишда ташкилий қўмита томонидан амалга оширилади.

32. Танлов натижалари бўйича иштирокчилар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

33. Ушбу Низом талабларига амал қилмаган ва унинг талабларини бузган айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

*“Қуёшли маҳалла” танловини ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова*

**Республика ҳудудларида “Қуёшли маҳалла” танловини ўтказиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Танлов комиссияси	Танловни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ташкилий йиғилиш ўтказилади.	-
2-босқич	Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси	Танловни молиялаштириш учун ташкилий қўмитанинг йиғилиши қарорида белгиланган харажатлар суммасини Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармасининг Ҳазначилиқдаги бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб беради.	Комиссия қарори қабул қилинганидан сўнг ўн иш кунда
3-босқич	Энергетика вазирлиги	Танловни ўтказиш жойи, муддати-санаси ва шартларини Энергетика вазирлигининг расмий веб-сайти ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилади.	Комиссия қарори қабул қилинганидан сўнг ўн иш кунда
4-босқич	Маҳалла (қишлоқ, овул) фуқаролар йиғинлари	1. Аҳоли хонадонларига қуёш панелларини ўрнатилганлиги тўғрисида тегишли далолатнома расмийлаштирилади. 2. Далолатномалар туман (шаҳар) ҳокимликларига тақдим этилади.	2023 йил 10 июнь
5-босқич	Туман (шаҳар) ҳокимликлари	Қорақалпоғистон Республикаси вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан тақдим этилган далолатномаларни ва улар бўйича рўйхат маълумотларини ўрганиб чиқиш учун тақдим этади.	2023 йил 15 июнь
6-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	1. Энергетика вазирлигининг info@iesf.uz электрон манзилига (Тел.: +99899 789 22 83) анкетани электрон шаклда, ариза қабул қилинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этади.	2023 йил 1 июль
7-босқич	Ишчи гуруҳи	1. Низомнинг 3-бобида келтирилган талаблар мувофиқ ҳужжатларни тақдим этилганлиги ўрганиб чиқилади.	2023 йил 3 июль

		2. Талабларга мос келган маҳалла фуқаролари йиғинлари ҳужжатлари ва улар бўйича умумлаштирилган таҳлилий маълумотларни Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар кесимида Танлов комиссиясига тақдим этади.	
7-босқич	Танлов комиссияси	1. Иштирокчиларни баҳолаш мезонлари асосида рейтинг балларини бериш. 2. Энг юқори баллар асосида рейтинг баҳога эга бўлган иштирокчиларни танлов ғолиблари деб эътироф этиш.	2023 йил 5 июль
8-босқич	Энергетика вазирлиги	Танловни ўтказиш.	2023 йил август
9-босқич	Энергетика вазирлиги Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси	Кўрик-танлов ғолибларини бош соврин, 1, 2, 3 — даражали дипломлар ва совринлар билан тақдирлайди.	Кўрик-танлов якунида

*“Қуёшли маҳалла” танловини ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга*

2-илова

_____ (худуд номи) _____ (туман номи) “_____” МФЙ, ___-уйда истиқомат
қилувчи фуқаро _____ (Ф.И.О.) ва «_____» корхонаси ўртасида 2023
йил «___» _____даги ___-сон шартномага асосан қуёш фотоэлектр тизими
ўрнатилганлиги ва фойдаланишга топширилганлиги тўғрисида

ДАЛОЛАТНОМА

«___» _____даги 2023 й. _____ туман (шаҳар)

«_____» корхонаси номидан, бундан буён Ишлаб чиқарувчи деб юритилувчи, _____ асосида фаолият юритувчи директор _____, бир томондан ва фуқаро _____, бундан буён Харидор деб юритилади, иккинчи томондан (биргаликда “Томонлар” деб номланувчи) қуйидагилар тўғрисида ушбу Далолатнома туздилар:

1. Томонлар ўртасидаги «___» _____ 20__ й. № ___ шартноманинг ___ бандига мувофиқ Ишлаб чиқарувчи ва Харидор қуйидаги ассортимент ва миқдордаги товарларни топширади ва қабул қилади:

Қуёш фотоэлектр тизимининг нархи	
Ўрнатилган қурилмалар ва ускуналар рўйхати	ҚҚС билан нархи
<p align="center">(ҚЭС қуввати – __ кВт):</p> <p>1. Қуёш паннелари ___ Вт – __ дона; 2. Инвертор __ кВт – __ дона; 3. ҚЭСни ер участкасига ўрнатиш тизими – __ тўплам; ҚЭС учбурчак ўрнатиш тизими – __ тўплам; қуёш кабеллари ва улагичлар _____ (тури) – __ м; ёрдамчи ускуналар – __ тўплам.</p>	___ сўм

2. Харидор томонидан қабул қилинган товарлар шартнома талабларига мос келадиган сифат ва ассортиментга эга. Товарлар шартномада белгиланган муддатларда етказиб берилди. Харидорнинг ўзи қабул қилган товарларга даъволари йўқ.

3. Ушбу далолатнома ўзбек тилида тенг юридик кучга эга бўлган икки нусхада, томонларнинг ҳар бири учун битта нусхада тузилади ва томонлар ўртасида юқорида айтиб ўтилган келишувнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи томонидан:

Харидор томонидан:

Лавозими

_____ / _____ /

(имзо)

_____ / _____ /

(имзо)

Далолатномани расмийлаштиришда иштирок этувчилар:

Маҳалла (қишлоқ, овул) фуқаролар йиғини
раиси:

Худудий электр тармоқлари корхонаси
масъул ходими:

Лавозими

_____ / _____ /

(имзо)

_____ / _____ /

(имзо)